



**САВОЛ:** Мен ўқийман ва ишлайман, шунинг учун кўчада овкатланишга тўғри келади. Турли ошхона ва кафеларда сотиладиган таомларнинг халол ёки йуклигини қандай билишим мумкин?

**ЖАВОБ:** Албатта мўмин мусулмон одам ўзи танаввул киладиган озуканинг халол пок бўлишига этибор бериши, бунинг учун ҳаракат қилиши маклуҳдир, фарздир, вожибдир. Бу энг катта исломий хусусиятлардан бири бўлади. Чунки ҳаром нарсалар кишининг соғлиғига, табиатига ва яна кўпгина нарсаларга ката зарар етказадиган нарсадир. Шунинг учун ҳар бир инсон таомни тановвул қилишдан олдин халолми яъни фойдалими ёки ҳаромми яъни зарарлими эканлигини аниқлаб олиш керак. Савол берган тингловчимизни демак, ҳолатларида кўчадаги турли ошхона, кафеларда овкатланишга тўғри келадиган бўлса, албатта ўша ердаги таом тайёрловчи шахслардан мана шу масканларнинг масъул кишиларидан таомни қандай тайёрланиши, нимадан тайёрланиши, халолми ёки халол эмаслигини сўраш керак. Шунингдек, бунақа умумий овкатланиш масканларидан ташқарида ҳам таомни қай ҳолда эканлигида маълумот бўлмаса албатта ўша ердаги бу нарсани ҳақиқатини биладиган кишилардан сўраб суриштириб фақат халол нарсани тановвул қилишга ўтиш керак. Аллоҳ таоло барчаларимизни жумладан ўшбу саволнинг соҳиби бўлган тингловчимизни ҳам доим халол пок юришга ва халол пок нарсдан озукаланишга насиб этган бўлсин. Аллоҳ таоло мана шу айтиб ўтилган гапларни жавобларни тўғрилигини таъминлаган бўлсин ва ҳаммамизни мана шу нарсаларга амал қилиб боришлигимизни насиб этган бўлсин.

□ Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф